

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/27.02.2021. Tar.70.05. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЙИТОВА ФЕРУЗА БУХАРОВНА

**ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОМАДАНИЯТИДА ЗИЁРАТ
ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРИХИ
(Қашқадарё воҳаси мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Хайитова Феруза Бухаровна

Ўзбек халқи этномаданиятида зиёрат ва зиёратгоҳлар тарихи (Қашқадарё воҳаси мисолида) 3

Хайитова Феруза Бухаровна

История паломничества и мест поклонения в этнокультуре узбекского народа (на примере Кашкадарьинского оазиса) 27

Xayitova Feruza Buxarovna

Pilgrimage and pilgrimage sites in the ethno-culture of the Uzbek people (on the example of the Kashkadarya oasis) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/27.02.2021. Tar.70.05. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЙИТОВА ФЕРУЗА БУХАРОВНА

**ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОМАДАНИЯТИДА ЗИЁРАТ
ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРИХИ
(Қашқадарё воҳаси мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2021.4.PhD/Таг.975 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qarshidu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Адҳамжон Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий ошнONENTлар:

Турсунов Сайпулло Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Бўриев Очил
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "27" 14 соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "14" 12 кун тарқатилди.
(2021 йил "14" 12 даги 8 рақамли реестр баённомаси)



Б. Ж. Эшов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

Н. Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент.

Ю. А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий Кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайиб бораётган XXI асрда нафақат дунёдаги минтақалар ва халқлар, шу билан бирга Янги Ўзбекистонда зиёратгоҳ ҳамда қадамжоларга бўлган муносабат ўзгариб бормоқда. 2019 йил 19 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш“ номли махсус резолюция қабул қилинди. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция”сида жамиятда мавжуд урф-одат, маросим ва байрамлар номоддий маданий мерос соҳаларининг бири сифатида эътироф этилди.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида шаклланаётган зиёрат туризмнинг ривожланиш жараёнларини илмий тадқиқ этиш замирида муқаддас жойлар ва зиёратгоҳлар худудий таъсирининг реаллашуви, уларнинг иқтисодий-коммуникатив жиҳатлари, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимларни таҳлил қилиш, антропологик жиҳатдан тарихий ва табиий объектлар маҳаллий хусусиятларини ўрганиш кенг тарғиб қилинмоқда.

Ҳозирда Янги Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, шунингдек, зиёратгоҳ ва қадамжолари, улар билан боғлиқ урф-одат ҳамда анъаналари хорижликларнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда. Мамлакатимизда ўзбек халқининг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 27 апрелда Пекинда БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш билан “Бир макон, бир йўл“ халқаро форуми доирасидаги учрашувда илгари сурилган эди. Жумладан, бу борада Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги зиёратгоҳларнинг географик, табиий, экологик, этник ва ижтимоий-иқтисодий вазифалари тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Қашқадарё воҳаси аҳолиси ўзининг қадимий тарихи, бетакрор маданияти ва муқаддас зиёратгоҳлари билан машҳур бўлган ўзига хос “этнографик макон”дир. Айниқса, сўнгги йилларда содир бўлаётган миллий юксалиш даврида минтақа зиёратгоҳлари тарихи ва этнологиясини илмий асосда тадқиқ этиш зарурати ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ 6165-сонли “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”² ги, 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли “Моддий маданий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори // www.lex.uz.

ва археология мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги³, 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ, масжид ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги⁴, 2021 йил 100-сонли “Ички ва зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁵ қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек халқи этномаданияти тизимида зиёрат ва зиёратгоҳлар ҳамда улар билан боғлиқ маросимлар тарихини тўлақонли ўрганишда тарихий манбалар, адабиётлар ва этнографик дала материаллари қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотнинг методологик асосларидан келиб чиқан ҳолда адабиётлар тўртта асосий гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1. Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача бўлган даврдаги адабиётларда зиёратгоҳлар, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг ёритилиши. 2. Совет даври тарихшунослигида зиёратгоҳлар таҳлили. 3. Мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар. 4. Хорижий тадқиқотлар.

Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги диссертациянинг биринчи бобида батафсил баён қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё воҳаси зиёрат ва зиёратгоҳлари тарихи, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ҳамда воҳа аҳолиси дунёқарашида зиёратгоҳларнинг тутган ўрнини этнология йўналишида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавзу манбашунослиги ва тарихшунослигини ёритиб бериш;

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 200-сонли Қарори // www.lex.uz.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ, масжид ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 120-сонли Қарори // www.lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли Қарори // www.lex.uz.

Ўзбек халқи турмуш тарзида зиёрат ва зиёратгоҳларнинг ўрнини таҳлил этиш;

Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳ ва қадамжоларини таснифлаш;

воҳа аҳолиси орасида кенг тарқалган “зиёрат”, “зиёратгоҳлар” ва “қадамжолар” тўғрисидаги қарашлар ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналарини этнофольклористика йўналишида таҳлил қилиш;

зиёратгоҳлар ва қадамжоларнинг маҳаллий ҳудудий (илоҳийлик, коммуникатив, толерантлик, экологик) хусусиятларини ёритиб бериш;

зиёратгоҳларда аёллар иштирокида ўтказиладиган маросимларнинг ўзига хос хусусиятларини баён қилиш;

глобаллашув жараёнларида зиёрат билан боғлиқ қарашлар ва маросимлардаги ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг муҳим туристик объектлар сифатидаги имкониятларини ўрганиш ва соҳани ривожлантиришга оид хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари, уларнинг тарихи, ҳудуд аҳолисининг зиёрат билан боғлиқ қарашлари, урф-одат ҳамда маросимлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-қиёсий таҳлил, таснифлаш, кузатиш ва чуқурлаштирилган интервью усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳ ва қадамжоларининг пайдо бўлиши (*авлиёлар, тарихий шахслар ва диний уламолар билан боғлиқ, меъморий обида ҳамда ёдгорликлар сифатида*), жойлашуви (*тоғ, адирлик ва чўл*) ва табиий ҳамда мўъжизавий хусусиятлари (*географик объектлар ва табиат мўъжизалари, ҳайвонлар ҳамда жониворларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ*), ижтимоий таркиби (*касб-ҳунарлар билан боғлиқ ва аёллар ташириф буюрадиган*) тасниф қилинган;

воҳа зиёратгоҳлари “умумийлик” ва “ўзига хослик” категориялари контекстида ўрганилиб, минтақада жаҳонга машҳур шахслар (*Амир Темур, Фахрул-ислом Баздавий, Абул Муъин ан-Насафий* ва бошқалар) номлари билан боғлиқ ҳамда шифобахш хусусиятга эга бўлган (*Оқсув, Хўжайи Жарроҳ, Қўтирбулоқ ота, Исҳоқ ота* каби) зиёратгоҳ ва қадамжолар муҳим зиёрат туризми объектлари эканлиги аниқланган;

зиёратгоҳлар ва қадамжоларда аёллар иштирокида ўтказиладиган маросимлар (*мушкулкушод, Бийи (биби) сешанба, худойи, эҳсон, садақа, ис чиқариш, мавлуд, чилла сақлаш, қушноч ёки қўл олиш* каби)да исломий ва исломгача бўлган диний эътиқодлар (тотемизм, шомонлик, зардуштийлик, аждодлар эътиқоди, табиат култи) уйғунлашуви асосидаги маросимий дунёқараш симбиози акс этганлиги этнографик материаллар асосида аниқланган;

воҳадаги зиёратгоҳ ва кадамжоларнинг экологик, тиббий ва туристик имкониятлари ўрганилиб, вилоятнинг турли-туман зиёрат туризми объектлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларида ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг ушбу ҳудудга хос локал хусусиятлари этнографик, тарихий манба ва адабиётлар ҳамда дала материаллари асосида очиб берилган;

буюк алломалар ва авлиёлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳамда уларга оид айрим ривоятларга аниқлик киритилиб, тарихий шахслар фаолияти илмий жиҳатдан асослаб берилди. Натижада, “O‘zbekiston tarixi” номли электрон дастур яратилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг DGU-04302-рақамли гувоҳномаси олинди;

Қашқадарё воҳасидаги жами 208 тадан ортиқ меъморий-тарихий объектлар аниқланиб, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш департаментига таклифлар киритилди;

воҳада зиёрат туризмини кенг тарғиб қилиш, ўрганилмаган маданий мерос объектларини давлат рўйхатига киритиш, ҳудуднинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш ва зиёрат туризми ҳамда ички туризмни янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўплаб тарихий-этнографик манба ва адабиётлардан ҳамда дала материалларидан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик маълумотларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида Қашқадарё воҳасидаги ҳозиргача кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган маҳаллий аҳамиятга эга бир нечта зиёратгоҳлар аниқланди. Тўпланган материаллар асосида воҳадаги мавжуд зиёратгоҳлар тарихи ва меъморчилиги ўрганилди ҳамда уларнинг умумий рўйхати шакллантирилди, шунингдек, воҳа ҳудудида зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятлари кўрсатиб берилди. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг анъанавий турмуш тарзидаги кадамжолар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш ўрганилаётган ҳудуднинг этномиллий психологияси ҳамда маданияти борасидаги билимларини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгиловчи жиҳатлар Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш, хусусан, Қашқадарё воҳасидаги зиёратгоҳлар тарихи, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг ўзига хос этноҳудудий хусусиятлари акс этган китоблар, илмий ҳамда илмий-оммабоп нашрлар яратиш, “Диншунослик”, “Археология”, “Этнология”, “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” каби фанлар бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар тайёрлаш, шунингдек, тадқиқот натижалари бўйича Қашқадарё

вилояти тарихи, маданияти, осори атиқалари ва зиёратгоҳларига бағишланган махсус интернет сайтларини яратиш ҳамда зиёрат туризми бўйича янги туристик йўналишлар ташкил этишга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Қашқадарё воҳаси муқаддас зиёратгоҳлари ва қадамжоларининг тарихи, улар билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар, воҳадаги зиёратгоҳлар билан боғлиқ афсона ва ривоятларни ўрганиш бўйича амалга оширилган этнографик тадқиқотлар асосида йиғилган маълумотлардан фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2021 йилдаги 4-сонли маълумотномаси). Ушбу натижа Қашқадарё воҳаси муқаддас зиёратгоҳлари ва қадамжоларининг тарихи, улар билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимларни тизимли таҳлил қилиш имконини берди;

муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар билан боғлиқ урф-одатлар, тарихий шахслар, алломалар ҳамда авлиёлар билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, шунингдек, воҳада зиёрат туризмини ташкил этиш имкониятларига оид маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Etno” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 26 апрелдаги 03-40-620-сонли маълумотномаси). Натижалар кенг жамоатчиликка Қашқадарё воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари тарихи ҳамда уларда ўтказиладиган маросимлар билан боғлиқ маълумотларни етказишга хизмат қилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4347-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори дастурининг “Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари” номли V бобининг 21-банди “Бой маънавий меросимиз, меъморий ва тарихий ёдгорликларни кенг тарғиб қилиш, хорижлик меҳмонларга мамлакатимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари ҳақида тўғри маълумот бериш ҳамда ижобий имижини шакллантириш мақсадида Ўзбекистоннинг туристик шаҳарларида фаолият олиб борадиган гидлар учун услубий қўлланма тайёрлаш ҳамда мазкур Қарорнинг “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар” номли VIII бобининг 34-банди “Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси, меъморий ва тарихий ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мамлакатимиздаги объектлар ҳақидаги маълумотларни “3D” форматида намойиш этадиган электрон фото жамланма (виртуал саёҳат) яратиш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш” мавзусида ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат маркази”нинг 2021 йил 26 майдаги 02/08-599-сонли далолатномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган жаҳон этнологиясида бугунги кунда шаклланаётган зиёрат

туризмнинг ривожланишини тадқиқ этиш замирида муқаддас жойлар ва зиёратгоҳлар ҳудудий таъсирининг реаллашуви, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, тарихий ва табиий объектларнинг маҳаллий хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистонда ҳозирги миллий юксалиш даврида “Маданий ва диний бағрикенглик” ғояси остида зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар маънавий-ахлоқий асосларига оид илмий-амалий таклиф ҳамда тавсияларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси ва тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши, эълон қилинган нашрлар ва иш таркиби тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Зиёрат, зиёратгоҳ ва қадамжолар муаммоси манбашунослиги ҳамда тарихшунослиги**” деб номланиб, унда ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида зиёрат ва зиёратгоҳ муаммосини тадқиқ қилиш услублари, мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳ ҳамда қадамжоларининг умумий тавсифи ва таснифи тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мазкур бобнинг “*Ўзбек халқи турмуш тарзида зиёрат ва зиёратгоҳлар*” деб номланган биринчи параграфида зиёратгоҳларнинг ўзбек миллий маънавий тараққиётида тутган ўрни, кўлами ва теран асосда тадқиқ этилишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда, барча назарий ва амалий тадқиқотларни умумлаштириб, қуйидаги тўртта гуруҳга бўлиб, тасниф қилинди:

1. *Республика миқёсидаги қадамжо ва зиёратгоҳлар.* Буларга дунёнинг барча мамлакатларидан ислом динига эътиқод қилувчилар ва сайёҳлар зиёрат учун ташриф буюрадилар.

2. Фақатгина бир вилоят ёки ҳудудда жойлашган, барчага маълум бўлган муқаддас қадамжос ва зиёратгоҳлар. Бу турдаги зиёратгоҳларга фақат шу ҳудудда яшовчи кишилар зиёрат учун ташриф буюрадилар.

3. Бир касб-ҳунар доирасидаги кишиларнинг зиёрат учун ташриф буюрадиган қадамжолари.

4. Қадимдан унутилиб кетган ёки тарихий давр ўзгариши билан янгидан зиёрат объектига айланаётган, аҳоли орасида номаълум бўлган зиёратгоҳлар.

Биринчи бобнинг “Мавзунинг манбашунослиги ва тарихишунослиги” деб номланган иккинчи параграфида ўзбек халқи этномаданияти тизимида, жумладан, Қашқадарё воҳаси зиёрат ва зиёратгоҳлари ҳамда улар билан боғлиқ маросимлар тарихини тўлақонли ўрганишда тарихий адабиётлар, дала этнографик материаллари ва бошқалар таҳлил этилган. Тадқиқотнинг методологик асосларидан келиб чиқиб, мавзуга доир адабиётларни 4 та асосий гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ, деб топилди:

1. Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача бўлган даврдаги тарихий адабиётларда зиёратгоҳлар, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг ёритилиши.

2. Совет даври тарихишунослигида зиёратгоҳлар таҳлили.

3. Мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар.

4. Хорижий тадқиқотлар.

1. Қадимий ёзма меросимиз ҳисобланган “Авесто” китобининг “Вендидат” қисмида урф-одат ва маросимлар мажмуи ҳамда диний асотирлардан иборат ҳикоятлар тавсифи берилган⁶. Жумладан, “Авесто”да воҳа зиёратгоҳлари ва аҳоли орасида у билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар ёритилмаган бўлса-да, қадимги даврдан бошлаб халқ ва жамият орасидаги боғлиқлик, халқнинг кундалик тумуш тарзида диний ҳамда руҳий қарашларини билиб олиш мумкин. Қадимшунос Р.Сулаймонов воҳанинг Навтак ибодатхонасини муфассал ўрганиш жараёнида навтакликларнинг маъдан ва тошлардан ясалган топиниш рамзлари – меҳроб токчасининг тош терилган қисмидан олтин типратикан, шунингдек, митти санам ҳайкалчаси ва бақа (ақиқдан тайёрланган) рамзларини топишга муваффақ бўлган. Ўз ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, оташпарастилик ақидаларида типратикан муқаддас мавжудот ҳисобланган⁷. Шунингдек, “Самария” асарида Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларининг тарихи ёритилиши билан бирга тадқиқот учун муҳим ҳисобланган зиёратгоҳлар (тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар) кўрсатиб берилган⁸. Бундан ташқари, Абу Саъд

⁶ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 106–166.

⁷ Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. – Ташкент–Самарканд: Фан, 2000. – 520 с.; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, – Б. 154–155.

⁸ Абу Тоҳирхожа. Самария; Абу Бакр Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи; Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий; Исҳоқхон Ибрат. Фарғона тарихи / Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқалар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 336.

Абдулкарим Самъонийнинг “Насабнома”⁹ асарида зиёратгоҳлар билан боғлиқ бўлган, воҳада VIII–XII асрларда яшаган “Кеший”, “Насафий”, “Касбавий”, “Моймарғий” каби тахаллуслар билан ном қозонган аллома ва уламолар ҳақида маълумотлар берилган. Насафлик Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг “Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (“Самарқанд уламолари хотирасига доир қанддек ширин китоб”)ида зиёратгоҳлар билан боғлиқ “Нахшабий” ва “Насафий” тахаллуслари билан аталувчи алломалар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган¹⁰.

Қашқадарёда тарихнинг маълум даврларида бек ва саркардалар азалдан зиёратгоҳ ҳамда қадамжоларни обод қилганлиги, пайғамбарлар, авлиёлар ва алломалар мазорини зиёрат қилганлиги борасида маълумотлар учрайди. Масалан, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида келтирилишича, Амир Темур Муҳаммад (с.а.в.), Идрис ва Жиржис, Нух алайҳиссалом, шунингдек, Абу Муслим Марвазий, Иброҳим Яҳё, Қусам ибн ул-Аббос ва (Ҳазрат шайх Аҳмад) Жом каби мазорларни зиёрат қилган. “Зафарнома”да Амир Темур – “Жума куни Идрис ва Жиржис, – бизнинг пайғамбаримизга ва у икки зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин, – пайғамбарларнинг муқаддас зиёратларига эришиб, улардан мадад тилади, ҳар бир мазорга иморат ишлари учун ўн минг кебакий динор инъом қилди, дарвишларга садақалар улашди”¹¹, деб келтирилади. Зиёратгоҳлар инсонни ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, унинг руҳий ҳолатига таъсир этиб турган. Таъкидлаш жоизки, “Темур тузуклари”да Соҳибқирон зиёратга борувчиларни ҳимоя қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд¹².

Умуман олганда, Қашқадарё воҳасида зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда шаклланишига тўхталадиган бўлсак, ушбу жараёнлар ўзига хос тарзда кечган. Мавзуга доир амалга оширилган тадқиқотлар таҳлиliga кўра, муқаддас зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар бўйича бир қатор ишлар мавжуд бўлса-да, воҳадаги қадамжолар тарихи ва уларнинг аҳоли маънавий ҳаётидаги ўрни яхлит тизимга солиниб, комплекс тарзда ёндашадиган ишлар учрамайди. Шунинг учун воҳа аҳолиси турмуш тарзида зиёратгоҳларнинг ўрни, тарихи ва ўзига хос маҳаллий хусусиятларини ёритиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

2. Совет даври тарихшунослигида зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотлар дастлаб воҳадаги меъморий ёдгорликлар ва диний эътиқод илдизлари В. В. Бартольд, М. Е. Массон ва Л. Ю. Маньковскаялар томонидан ўрганилган¹³. Археолог олимларнинг ҳам бу борадаги тадқиқотлари муҳим

⁹ Абу Саъд Абдулкарим Самъоний. Насабнома / Абдулғаффор Раззоқ тарж. 1-жилд. – Тошкент: Ҳилол, 2007. – Б. 157–190; Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Насабнома. (ал-Ансоб). – Бухоро, 2003. – Б. 240–248.

¹⁰ Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд / (“Самарқанд уламолари хотирасига доир қанддек ширин китоб”). – Тошкент, 2001. – Б. 304.

¹¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 192–193.

¹² Темур тузуклари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 142–143.

¹³ Бартольд В. В. Соч. III Т. Ч. I. – М., 1963. – С. 116; Массон М. Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965–

ўрин тутади. Жумладан, Р. Х. Сулаймоновнинг кенг кўламли тадқиқотларида қадимий ибодатхона қолдиқлари ва диний қарашлар тўғрисида баён этилган¹⁴.

Ушбу даврга оид адабиётлар таҳлили шундан гувоҳлик берадики, тадқиқотчилар кўпроқ масаланинг сиёсий томонига эътибор қаратиб, зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг сони, меъморчилиги ҳамда маданий ёдгорликларигина тилга олинган. Зиёратгоҳларнинг жамиятдаги вазифалари, музей ёки кўриқхона шаклида талқин қилинган бўлишига қарамай, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг ўтказилиш жараёни эътибордан четда қолган.

3. Мустақиллик йилларида зиёратгоҳлар, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни тадқиқ қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Э.Ртвеладзе, Р.Сулаймонов ва Ю.Буряковлар томонидан тайёрланган “Қарши – 2700” китоб-альбомда зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарихий обидалар хусусида қатор маълумотлар учрайди¹⁵.

Шунингдек, П. Равшанов, Ш. Шаропов, А. Чориев, Ғ. Ғофуров, И.Шоймардонов, Ж. Тўхлиев ва Носир Муҳаммадларнинг бир қатор рисола ҳамда мақолаларида келтирилган воҳа зиёратчилари ва зиёратгоҳлари тўғрисидаги маълумотлари бироз кам бўлса-да, олиб борилаётган тадқиқот учун қимматли манба саналади¹⁶. Қолаверса, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида зиёрат ва зиёратгоҳ муаммоси И. Жабборов, А. Аширов ва О.Горшуноваларнинг илмий изланишларида акс этган¹⁷.

Мустақилликнинг кейинги йилларида ўлка зиёратгоҳларининг аҳамияти ва ҳудудларнинг иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, муқаддас қадамжоларнинг жойлашган ўрнига доир тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, Н.Абдулаҳатовнинг Фарғона водийси зиёратгоҳларига бағишланган дастлабки тадқиқоти мазкур диссертацияни ёзиш жараёнида қиёсий ўринларда фойдаланиш учун алоҳида ўрин тутади¹⁸. Шунингдек, яна бир тадқиқотчи З. Абидованинг Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари, ҳудуддаги зиёратгоҳларнинг таснифи ва локал ҳусусиятларига доир маълумотлари ўрганилаётган мавзунини яна бир бор бойитишга хизмат қилиши билан аҳамиятлдор¹⁹. Ушбу муаллиф Хоразм воҳасига доир зиёратгоҳларнинг

1966). – Ташкент, 1973; Маньковская Л. Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Ташкент: Узбекистан, 1971. – С. 41.

¹⁴ Сулейманов Р. Х. Храмовый комплекс Еркургана /Городская культура Бактрии – Тохаристана и Согда. – Ташкент, Фан, 1987.– С. 134.

¹⁵ Ртвеладзе Э. В., Сулаймонов Р. Х., Буряков Ю. Ф. Қарши – 2700. Китоб-альбом. – Тошкент: Маънавият, 2006.

¹⁶ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – 783 б; Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 399; Шаропов Ш. Қашқадарё зиёратгоҳлари. 1-жилд. – Тошкент: Ворис, 2010. – Б. 398.; Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби. – Тошкент: Шарқ, 2001; Ғофуров Ғ., Шоймардонов И., Тўхлиев Ж. Яқкабоғ тумани. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 30; Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари (IX–XX асрлар). Тазкира. 2- нашр. – Тошкент, 2006. – Б. 30–31.

¹⁷ Жабборов И. М. Ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 158–182; Аширов А. А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар (Фарғона водийси материаллари асосида): Тарих фан. докт. учун дисс... – Тошкент, 2008; Горшунова О. Образ жизни современной узбекской женщины (по материалам Ферганской долины): Автореф. дисс. канд. ист. наук. – М., 2000.

¹⁸ Абдулаҳатов Н. У. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тарих фан. номз. учун дисс... – Тошкент, 2006. – Б. 188.

¹⁹ Абидова З. Қ. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тар. фан. бўйича фал. док (PhD). илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 144.

тарихий келиб чиқишига эътибор қаратган ҳолда уларни саккизта гуруҳга бўлиб (пайғамбарлар номи билан аталадиган, саҳобалар ва уларнинг издошлари билан боғлиқ, турли касбларнинг ҳомий пирлари номлари билан ҳамда табиат кучлари билан боғлиқ бўлган зиёратгоҳлар) таснифлаганлиги диққатга сазовордир.

Шунингдек, Ф. Ақчаевнинг Жиззах воҳаси қадамжо ва зиёратгоҳлари, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг этнолокал хусусиятларини ўзида акс эттирган тадқиқотларидан қиёсий равишда фойдаланилди²⁰.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида яратилган адабиётларда зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларнинг кишилар ва жамият маънавий барқарорлигида тутган ўрни, зиёратгоҳларнинг ички туризмни ривожлантиришда муҳим восита эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари тўғрисидаги дала тадқиқотлари маълумотлари минтақа аҳолисининг этномиллий ва маҳаллий маданияти борасидаги билимларини бойитишга хизмат қилади. Шунга қарамай, улар ўрганилаётган ҳудуд зиёратгоҳлари тўғрисида етарлича маълумот бермайди. Бу эса мавзунини этнографик жиҳатдан биринчи марта диссертация шаклида ёритилаётганлигини кўрсатади.

4. Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари ва улар билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар бирор-бир хорижий тадқиқотларнинг тадқиқот объекти ҳисобланган бўлмаса-да, ўрганилган адабиётлар ва нашрларда эълон қилинган қисқа маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, К. Леви-Строс ва Ф. Дескола каби хорижлик этнограф олимлар томонидан бутун дунё, шу жумладан, Шарқ халқлари урф-одат ва маросимлари, афсона ҳамда ривоятлари таҳлил қилинган²¹. “Бибимушкулкушод” ва “Биби Сешанба” маросимлари француз олимаси Ҳабиба Фатхи²², Оксфорд университети профессори Валери Хансен²³ зардуштийлар ва сўғдийларга хос айрим маросимларни тадқиқ қилган. Баъзи хорижий нашрлар орасида атеистик нуқтаи назардан таҳлил қилинган асарлар, асосан, сўфийлик ва муқаддас жойларга қарши курашнинг бориши тўғрисида маълумотлар келтирилади²⁴. МДҲ мамлакатлари олимлари тадқиқотларида “зиёрат” тушунчаси, авлиёлар култи билан боғлиқ илмий асосланган фикрлар, зиёратгоҳлар таснифи, урф-одат ва маросимларнинг дала тадқиқотларига асосланган мулоҳазаларига доир маълумотлардан ҳам ишда ўринли фойдаланилди²⁵.

²⁰ Ақчаев Ф. Ш. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари: Тар. фан. бўйича фал. док (PhD). илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 150.

²¹ Леви-Строс К. Путь масок / Пер. с. фр. А. Б. Островского. – М.: Республика, 2000. – 399 с.; Дескола Ф. По ту сторону природы и культуры. – М.: Новое литературное обозрение, 2012. – 584 с.

²² Хабиба Фатхи. Значение женских ритуалов «Биби Мушкулкушод» и «Биби Сешанбе» в современной Центральной Азии / Ўрта Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Тошкент, 2005. – Б. 15.

²³ Valerie Hansen. The silk road a new history. Published in the United States of America by Oxford University Press 198 Madison Avenue. – New York, 2012. – P. 17, 132.

²⁴ Bennigsen A., Wimbush S. E. Mystics and commissars: Sufism in the Soviet Union. – London. 1985.

²⁵ Терлецкий Н. С. Знамя для моления (Символизм и функция туга в практике зийарата у народов Центральной Азии. – М., 2007. – С.112–117; К вопросу о роли лоскутов ткани (латта-банд) на мазарах Центральной Азии // Лавровский сборник. – СПб., МАЭ РАН, 2007. – С. 118–122; Абашин С. Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // ЭО. – 2001. – №2. – С. 128–131; Соблазны культа святых (вместо предисловия) / С. Н. Абашин, В. О. Бобровников // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней

Зиёратгоҳларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, қадамжоларни ёпиқ, зиёратгоҳларни эса ўзига хос жамоавий ҳудуд сифатида талқин қилинган ва у ерда бажариладиган маросимларнинг кетма-кетлиги масалалари О. Самаков томонидан тадқиқ қилинган²⁶. Айниқса, қадамжоларнинг муқаддаслиги туфайли одамлар ва ҳудудларга тегишли маданиятни сақловчи маҳаллий локал кўриқхона эканлиги очиқ берилган. Ўрганилган тадқиқотлар таҳлилига кўра, муқаддас зиёратгоҳлар тарихи ва улар билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлар бўйича бир қатор ишлар мавжуд бўлса-да, уларда Қашқадарё воҳаси қадамжолари тарихи, аҳоли маънавий ҳаётидаги ўрнига комплекс тарзда ёндашилиб ёритилган илмий ишлар эса ҳалигача яратилмаган.

Умуман олганда, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга доир илмий изланишлар тарих, этнография ҳамда археология фанлари нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари мисолида маълум даражада ўрганилган бўлса-да, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг жамият ҳаётида тутган ўрни, ўтказиладиган маросимлар ва минтақавий хусусиятлари тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқ этилмаган, деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотнинг **“Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳ ва қадамжолари билан боғлиқ қарашлар”** деб номланган иккинчи бобда воҳа аҳолиси дунёқарашида “зиёрат”, “зиёратгоҳлар” ва “қадамжолар” тўғрисидаги тасаввурлар, воҳа зиёратгоҳлари ҳамда қадамжоларининг локал-худудий (илоҳийлик, коммуникатив, толерантлик, экологик) хусусиятлари дала этнографик матеиаллари асосида таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг *“Воҳа зиёратгоҳ ва қадамжоларининг тавсифи ва таснифи”* деб номланган биринчи параграфда воҳанинг *Кўҳна Фазли, Қўшчалишота, Куймуродбахи, Қизтош* каби зиёратгоҳ ва қадамжоларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳоли турмуш тарзидаги аҳамияти дала этнографик материаллар асосида таснифланди. Қашқадарё воҳасидаги зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг пайдо бўлиши, жойлашуви ва табиий хусусиятларига кўра, 1) авлиёлар, тарихий шахслар ва диний уламолар билан боғлиқ зиёратгоҳ ва қадамжолар; 2) меъморий обида ва ёдгорликлар; 3) географик объектлар ва табиат мўъжизалари (муқаддас саналган ғорлар, тошлар, булоқлар ва дарахтлар) билан боғлиқ зиёратгоҳлар; 4) касблар билан боғлиқ ва аёллар ташриф буюрадиган зиёратгоҳлар; 5) ҳайвонлар ва жониворларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ зиёратгоҳлар; 6) туристик манзилгоҳлар сифатида белгиланган зиёратгоҳлар кўринишида таснифланди. Воҳа аҳолисининг меҳнатсеварлик хислатларини кучайтиришда муқаддас

Азии и на Кавказе. – М., 2003. – С. 3–17; Leonid Pavlovic Potapovs. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus den Jahren 1928–1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowitz Verlag. – Wiesbaden, 1995.; Традиционная культура народов Передней и Средней Азии / Институт этнографии им. Н. Н. Миклухо-Маклая АН СССР. – Л.: Наука, 1970. – 384 с.; Саксанов Т. С. Паломничество к святым местам: традиция и современность. – М.: Луч, 1991. – 56 с.; Сызранов А. В. Мусульманские святыне места как объект этнокультурного наследия тюркских народов Нижнего Поволжья / Гуманитарные исследования. – 2011. – № 4 (40). – С. 38–44.

²⁶ Samakov, A., & Berkes, F. Spiritual commons: sacred sites as core of community-conserved areas in Kyrgyzstan // International Journal of the Commons. – 2017. – №11 (1). – P. 422–444.; Samakov, A. Sacred sites: opportunity for improving biocultural conservation and governance in Ysyk-Köl Biosphere Reserve, Kyrgyz Republic, 2016.; Samakov, A., & Berkes, F. Ysyk-Köl Lake, the planet’s third eye: sacred sites in Ysyk-Köl Biosphere Reserve. In Asian Sacred Natural Sites. – Routledge, 2015. – P. 230–242.

зиёратгоҳлардаги авлиёлар культлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, улуғ зотларнинг авлиёлик даражасига етишиши замирида тинимсиз меҳнат ётганлиги боис, аҳоли ўртасида меҳнатга бўлган муносабат авлиёлар ҳаётига тақлидий равишда кечган. Шунингдек, муқаддас мазорлар билан боғлиқ халқ қарашларида аввало, поклик, тозалик ва озодалик бош мезон бўлиб, бировлар ҳаққига кўз олайтирмаслик, фоҳишалик ҳамда ичкиликбозлик каби салбий иллатлар қаттиқ қораланган.

Муқаддас зиёратгоҳларга эғалик қилиш ва ундаги шайхлик вазифасини эгаллаш бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шайхлик ҳуқуқи:

а) Саййидлар гуруҳи; б) Хўжалар гуруҳи; в) Сўфийлик тариқати намояндлари ҳисобланувчи эшонлар авлодлари гуруҳи; г) Сўфий пирлар қўл остида хизмат қилган мадраса муаллимлари маҳдумлар, охундлар гуруҳи; д) Мазорларда хизмат қилиши туфайли шайхлик ҳуқуқини қўлга киритган оддий табақага мансуб оилалар гуруҳларига бўлинган. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир зиёратгоҳга шайхлик қилиш ҳуқуқи дастлаб олдинги шайх авлодлари, агар авлодлари бўлмаса, мазорга хизмат қилаётган оилаларнинг авлодларига берилган ва ушбу ҳолат ажоддан-авлодга ўтиб келган. Баъзан уларнинг тушида аён бўлган шайхлик қилиш учун мазордаги авлиёдан рухсат берилганлиги ҳам асос қилиб олинган²⁷.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*“Зиёрат”, “зиёратгоҳлар” ва “қадамжолар” тўғрисидаги қарашлар*” деб номланган бўлиб, унда зиёратгоҳ ва қадамжолар билан боғлиқ қарашлар қуйидаги асосда умумлаштирилган:

Зиёратгоҳлардаги муқаддас буюмлар билан боғлиқ қарашлар. Кузатишлар ва ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, зиёратгоҳ ва қадамжолардаги ҳар бир буюм сакрал кучга эга деб ҳисобланган. Зиёратгоҳ ва қадамжолардаги муқаддас буюмлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Оқ мато.
2. Ҳайвон шохи.
3. Мазор, масжид ва мақбараларнинг эшик ҳамда занжирлари.
4. Аждодлар шажараси, китоблар ва бошқа ҳужжатлар.
5. Туғлар, дарахтлар, тарихий даврлардан сақланиб қолingan белги ёки суратлар.

Зиёратгоҳлар реал манфаатларни асос қилган оммавий эътиқодни ифода этувчи муқаддас жойлар сифатида узоқ тарихий жараёнларда маънавий озуқа берувчи омиллар бўлиб, аҳолининг маиший турмушида ўзига хос вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам мазорлар узоқ яқиндан келганларнинг зиёрат қилиши ва кенг жамоат билан бирга учрашиш жойи, шунингдек, маданият маскани сифатида ҳамда инсонларга руҳий қувват беришда муҳим ўрин тутаяди.

Ушбу бобнинг “*Қашқадарё зиёратгоҳлари ва қадамжоларининг ҳудудий (илоҳийлик, коммуникатив, толерантлик, экологик) хусусиятлари*” деб номланган учинчи параграфиди диссертант зиёратгоҳларни ўзига хос вазифаларига кўра 4 та асосий гуруҳга ажратган:

²⁷ Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтириқ зиёратгоҳлари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 60.

1. Шамоллашни ва йўтални даволовчи зиёратгоҳлар.
2. Танадаги турли яра ва сўгалларни даволовчи зиёратгоҳлар.
3. Бепуштлиқ ва фарзандсизлик билан боғлиқ касалликларни даволовчи зиёратгоҳлар.
4. Руҳий хасталикларга даво деб ҳисобланувчи зиёратгоҳлар.

Шунингдек, ушбу параграфда зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг географик жойлашишига кўра бўлиниши, экологик хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ атрибутлар баён этилган.

Маълумки, Қашқадарё вилоятида қадимий 1321 та моддий-маданий мерос объекти ва Шаҳрисабздаги тарихий объектлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига олинган бўлиб, 1043 та археологик, 208 та меъморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал санъат ёдгорликлари, 50 та жойлаштириш воситалари (2682 та ўрин), 100 дан ортиқ миллий ва Европа таомларини тайёрловчи ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 17 та туроператорлик субъектлари, 12 та туризм тоифасига мансуб автотранспорт воситалари, 43 нафар ҳамроҳ-таржимон сайёҳларга фаолият кўрсатмоқда²⁸. 2018 йил январь-ноябрь ойларида вилоятга жами ташриф буюрган 1,4 млн. нафар туристдан 62,7 минг нафари хорижий сайёҳлар ҳиссасига тўғри келган.

Қашқадарё вилояти туризмнинг салоҳияти ва тарихий обидалар, зиёратгоҳ ҳамда қадамжолардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш асосида истиқболдаги имкониятларни ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, айнан шундай манзилгоҳларни аниқлаш ва уларнинг маҳаллий хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, воҳанинг жанубий қисми, яъни Қарши шаҳри атрофидаги ҳудудларда диққатга сазовор 123 та ёдгорлик рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 59 таси қадимги даврларда бунёд этилган. Қашқадарёнинг юқори қисмида ҳозирга қадар аниқланган обидалар сони 400 тадан ортиқ бўлиб, уларнинг 100 дан ортиғи антик даврга хос, деб ҳам қаралади. Биргина Яккабоғ тумани ҳудудидаги 37 та манзилгоҳ антик даврда пайдо бўлган. Бунга сабаб, Қашқадарё воҳаси табиати яшаш учун қулайлиги билан қадимдан одамларнинг эътиборини ўзига тортганлиги, тоғ олди ҳудудларида гуркираган боғ-роғлар, уларнинг оралиғида эса суғорма деҳқончилик ривож топган, қуйи қисмида ҳунарманчилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожланганлигидир.

Зиёрат одатига кўра, зиёратчилар доимо муқаддас даргоҳларга ўзгача тавозе билан муносабатда бўлиб келганлар. Зиёрат жараёнида маҳаллий аҳоли ўзларини қийнаган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилишган ва маълум бир вақт дунё ғам-ташвишларидан озод бўлиб, руҳий енгилликни сезганлар. Маҳаллий аҳоли оммавий равишда зиёратгоҳларга баҳор ва ёз фаслларида борадилар. Воҳа аҳолиси томонидан ҳафтанинг маълум бир кунлари зиёрат қилинадиган кунлар тариқасида белгилаб олинган бўлиб, ушбу ҳудудда асосан чоршанба, жума ва якшанба кунлари хосиятли зиёрат кунлари ҳисобланган.

Воҳада тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар ва табиат мўъжизаларини ҳам яқин келажакда таъмирлаш, “Хумдон ота”, “Туя Бўйноқ Остона бува”, Консой

²⁸ <http://tsue.uz>.

зиёратгоҳи, Динозавр изи, “Хўжайи пок ота”, Амир Темур ғори, Сувтушар шаршараларини комплекс инфратузилма яратиш режасига киритиш мўлжалланмоқда. Масалан, 2014–2016 йилларда “Султон Мир Ҳайдар” мажмуаси, “Кўкгумбаз”, Одина, Қарши қалъа девори (Қарши шаҳри), “Имом Муъйин ан-Насафий” мажмуаси (Қарши тумани), Хўжа Шамсиддин Ҳалвоний мақбараси, Ўғлонжон ота мақбараси (Қамаши тумани)да улкан таъмирлаш ишлари бажарилди, уларнинг айримларида ушбу жараён давом эттирилмоқда. Қолган объектларда кейинги йилларда таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Вилоятнинг чўл ҳудудида барпо этилаётган “Safari park” ва “Sichan Lake Resort” мажмуаларида сайёҳлик объектларини бойитиш ҳамда барпо этиш масалаларига инновацион ёндашувлар ҳам қўлланилмоқда²⁹. Туризм нафақат жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири, шу билан бирга, мамлакатларнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, халқаро майдондаги маънавий-маданий қиёфасини шакллантириш ҳамда аҳоли этномаданий тизимини бойитишга хизмат қилувчи энг асосий восита ҳам ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, воҳа зиёратгоҳларини маълум тизимга солиш асосида ўрганиш уларга хос хусусиятларни тўлақонли очиб бериш ва бошқа ҳудудлардаги каби ўхшаш ҳамда этнолокал томонларини кўрсатиш имконини беради. Воҳага оид қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тузилиши ҳамда жамиятдаги вазифаси бошқа ҳудудлар билан ўзаро муштарак ҳолда шаклланган бўлса-да, уларнинг вужудга келишига оид қарашлар, у ерда ўтказиладиган урф-одат ва маросимлар аҳолининг ҳудудий қарашлари ҳамда ижтимоий турмуш тарзи ҳақидаги тасавурларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қадамжоларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини таҳлил қилиш асносида шуни таъкидлаш мумкинки, зиёратгоҳларнинг инсон турмуш тарзидаги ўрни икки кўринишда, яъни маънавий ва жисмоний ҳолатда юзага келади. Айниқса, қадамжоларга ташриф буюрувчиларнинг зиёрат қилишдан асосий мақсади фақат ўша жойга дафн қилинган авлиё руҳига дуо ўқишдан иборат бўлибгина қолмай, балки ўзининг кўнгил хотиржамлиги ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда авлиёдан ёрдам сўраш каби хусусиятларда зиёратгоҳларга аҳоли эътиқодининг кучли эканлиги бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳ ва қадамжоларида ўтказиладиган маросимлар”**да воҳа зиёратгоҳларида аёллар иштирокида ўтказиладиган маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий глобаллашув даврида зиёрат билан боғлиқ қарашлар ҳамда маросимлардаги трансформация жараёнлари очиб берилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Зиёратгоҳларда бажариладиган маросимларнинг ўзига хос хусусиятлари”* деб номланган.

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг аёллар дунёқарашига таъсири ҳамда кундалик турмуш тарзидаги ўрнини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

²⁹ <http://tsue.uz>.

1. Маълум бир зиёратгоҳ, кадамжо ва мазорнинг табиатан мавжуд бўлган алоҳида ўзига хос, бироқ аёллар тасаввурида илоҳийлик касб этган хусусиятлари сифатида (масалан, зиёратгоҳдаги тош, дарахт, сув ва ҳ.к предметлар воситасида таъсир) дунёқарашга таъсир кўрсатиш.

2. Оила ва аёллар ҳаётидаги мавжуд маиший ҳамда шахсий муаммоларни муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳларда бажариладиган турли хил анъаналар ҳамда иримлар воситасида ечим топиш ва уларга таъсир кўрсатиш³⁰.

Қашқадарё воҳасидаги зиёратгоҳларнинг асосий қисми тасаввуф тариқатига мансуб авлиёларнинг қабрларидан иборат бўлиб, ушбу жойлар машҳур тариқат вакилларининг зиёрат объектлари ҳисобланган. Тасаввуф тариқати вакиллари учун вужуднинг соғлом бўлиши ва қалб ҳамда руҳ саломатлигига эришиш учун мазорларни зиёрат қилиш фойдали деб тушуниланган. Шу ўринда тасаввуф тариқатидаги “Сайри хулун” таълимоти муҳим аҳамият касб этиб, аҳоли қарашларига кўра турлича бажарилган. Воҳа зиёратгоҳларида *чилла сақлаш*, *зикр айтиш*, *мавлуд ўқиш* сингари одатлар ўтказилган. Масалан, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир зиёратгоҳида бир нечта чиллахоналар мавжуд бўлиб, унда “қўл оладиган” аёл ёки эркаклар чилла сақлаганлар.

Бундан ташқари, бу ерга қўшни ҳудуд ҳисобланган Самарқанд вилоятидан ҳам 20 ва ундан ортиқ нафар аёллар тез-тез келиб, мавлуд ва мушкулкушод ўқитади³¹. Бунга сабаб, биринчидан, муқаддас зиёратгоҳларда халқ руҳияти тўла ифодаланган бўлиб, асрлардан асрларга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар ҳамда турли ҳикматли ҳикоятлар халқ оғзаки бадиий ижодининг намунаси сифатида маънавий мероснинг узвий қисмини ташкил этади; иккинчидан, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одатлардан бўлган хайр-эҳсон ёки садақа қилиш кишиларда саховатпешалик фазилатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутган; учинчидан, воҳадаги зиёратгоҳлар кишиларда меҳнатсеварлик фазилатларининг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Қолаверса, авлиёлар ҳаёти билан боғлиқ ибратли ҳикоялар, миллий баҳодирларнинг ёв-душманларга қарши мардонавор кураши ва уларнинг жасоратлари тўғрисидаги афсона ҳамда ривоятлар ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган бўлиб, маҳаллий аҳолининг миллий ўзлигини англаш жараёнида алоҳида ўрин тутади.

